



# “ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!”

МАҲАЛЛАДА  
ЮРИТИЛАЁТГАН  
ҲИСОБОТЛАР, ХУЖЖАТЛАР,  
“ЕТТИЛИК”НИНГ ИШГА  
КЕЛИБ-КЕТИШИ ВА КРИ  
БАҲОЛАШ ТИЗИМИ ТЎЛИК  
РАҚАМЛАШТИРИЛДИ.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил  
13 АВГУСТ,  
ЧОРШАНБА

# Mahalla

№65  
(2289)

WWW.UZMAHALLA.UZ

## МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!



ЖАРАЁН

BEG'UBOR  
MAHALLA MARKAZI

## МАЪНАВИЯТ, МАЪРИФАТ, СОҒЛОМ ҲАЁТ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси томонидан маҳаллаларда аҳоли маънавиятини юксалтириш, уларнинг дахлдорлик туйғусини кучайтиришга қаратилган манзилли чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

**Ж**орий йилнинг ўтган етти ойи давомида аҳолида шукроналик ҳиссини кучайтириш, ватанпарварлик ва миллий қадриятларни мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида йиғинларда “Шукроналик тарғиботи” гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, маҳаллаларда ҳар пайшанба куни “Жисмоний тарбия ва спорт куни” деб эълон

қилиниб, спорт тадбирлари ўтказилмоқда. 30 ёшдан юқори бўлган аҳоли ўртасида “Маҳалла лигаси” спорт тадбирларининг туман ва шаҳар босқичлари яқунланди. 13-16 август кунлари унинг ҳудудий босқичлари бўлиб ўтади. Ҳисобот даврида “Шижоат ва ғайрат” ҳарбий-спорт мусобақасида 419 минг 909 нафар, гандбол бўйича “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси кубоги”да 432 мингдан ортиқ ёшлар иштирок этди. “Долзарб 90 кун”

тадбирлари доирасида 4 миллион 296 мингдан ортиқ аҳоли иштирокида 209 мингга спорт ва маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Кинематография агентлиги буюртмасига биноан суратга олинган “Менинг маҳаллам” номли мусиқали комедия жанридаги фильмнинг тақдироти бўлиб ўтди. Фильм премьераси бир вақтнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида намойиш этилди.

## МАҲАЛЛА МАҲСУЛОТИГА ХОРИЖДА ҲАМ ХАРИДОР БОР

Аҳоли томорқаларидан 500 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади

2025 йилда маҳаллалардаги аҳоли томорқаларида етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини 500 миллион АҚШ долларига етказиш белгиланган.



**А**йни мақсадда “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида 4 145 та маҳалла мева-сабзавот етиштиришга ихтисослаштирилди. Мисол учун, Косон туманидаги “Эсбой” маҳалласида 610 та хонадоннинг 124 гектар томорқасидан уч мартаба экин экиш ҳисобига 20 миллиард сўмдан ортиқ даромад олинмоқда. Республика бўйича “маҳалла еттилиги” кўмагида 5 миллион 314 мингга хонадон томорқасида етиштириладиган мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажми, уларнинг экспорти бўйича 8 272 та маҳалла кесимида прогноз кўрсаткичлар ишлаб чиқилди. Ихтисослашуви паст бўлган 1 523 та йиғинга уста деҳқонлар бириктирилди.

2025 йилнинг январь-июнь ойларида аҳоли томорқасида етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти 274 миллион долларни ташкил этди.

Томорқалардан 19 турдаги мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти амалга оширилди. Мисол учун, Шароф Рашидов туманидаги “Туёқли” маҳалласидаги 620 та хонадоннинг 439 тасида 16,4 гектар иссиқхона мавжуд. Бу ерда бир мавсумда тўрт мартаба мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш натижасида оилаларнинг йиллик даромади 115-120 миллион сўмни ташкил қилмоқда. 2025 йил якунига қадар аҳоли томорқаларида 39 турдаги, жами 9,2 миллион тонна мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилиб, умумий экспорт ҳажми 500 миллион доллардан оширилади. Томорқаларда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва экспорт ҳажми бўйича маҳаллалар рейтинг юритилади ҳамда йил якуни билан “Энг экспортёр маҳалла” эълон қилинади.

ДАРОМАД МАНБАИ

### ДИҚҚАТ, ШОШИЛИНГ!

“Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko'zgusi” журнаliga **ОБУНА БОШЛАНДИ!**

Ҳар икки нашримиз 2026 йил давомида Сизга энг яқин ва ишончли ҳамроҳ, ҳуқуқий маслаҳатчи ва илғор тажрибалар майдони ҳамда ошкора мулоқот минбарига айланади.

**ОБУНА БЎЛИНГ ВА УНУТМАНГ — “MAHALLA”НИ ҲАР КУНИ ВА ҲАР ДОИМ ҲАР БИР РАИС ЎҚИШИ КЕРАК!**



Ҳа, айтганча, ҳар иккала нашрнинг обуна нархи ўзгармаган.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:  
71 233-39-89, 71 233-10-92

## “ЕТТИЛИК”ДЕК МУСТАҚИЛ ТУЗИЛМА ҲАР ҚАНДАЙ МАСАЛАГА ЕЧИМ ТОПАДИ



ЎЗГАРИШЛАРНИ  
ТУШУНТИРИБ  
БЕРАДИГАН  
ҲУҚУҚШУНОСГА  
ЭҲТИЁЖ КАТТА



ЎЗБЕКНИНГ  
ЖАНГОВАР САНЪАТИ —  
ЎЗБЕКНИНГ ҒУРУРИДИР



**Президент Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илхом Алиев билан ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ.**



**Президентимиз якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид ТАҚДИМОТ БИЛАН ТАНИШДИ.**



**Давлатимиз раҳбарига ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТГА ҚАРШИ КУРАШИШ тизимини такомиллаштириш бўйича қарор қабул қилинди.**

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

# Одамлар розилиги — барча саъй-ҳаракатларимизнинг бош мезони



**Яқин ўтмишда маҳалла тизими ходимларига фақат буйруқ бажарувчи, ижрочи сифатида қаралган. Бугун манзара буткул ўзгарди. Ҳар қадамда янгиланиш, ободлик ва тараққиётга гувоҳ бўляпмиз.**

**Зафаржон КАМОЛОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Боёв тумани бўлими бошлиғи.**

Халқимизнинг сифатли таълим олиши, меҳнат қилиши, мазмуни ҳаёт кечирishi йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар фақат битта мақсадга — одамларнинг розилигига эришишга қаратилган. Табиийки, энди "маҳалла еттичилиги" зиммасидаги вазифа ҳам анча юкли, залворли. Уни тўлақонли бажариш учун муносиб шароит керак. Шу боис дастлаб тизим ходимларига яхши меҳнат муҳити яратишга интиляпмиз.

Янги маҳалла бинolari бунёд этилиб, мавжудлари таъмирланяпти. Мисол учун, "Наврўз" маҳалласи ходимлари қарийб 24 йилдан буён алоҳида жойи бўлмагани туфайли умумтаълим макта-

бининг битта хонасида фаолият олиб борарди. Ниҳоят маҳалла янги бинога эга бўлди. Маҳаллий бюджетдан ажратилган 480 миллион сўм пул маблағи эвазига вилоятдаги "Бунёдбек-Ислобқ" қурилиш корхонаси қурувчилари маҳалла биносини барпо этишди. Унда барча шароит яратилган.

"Учтургон" маҳалласи "Обод хонадон", "Обод кўча", "Обод маҳалла" мезонлари асосида гўзал қиёфага кирди. Уйлarning фасад қисми таъмирланди, сув, йўл, электр таъминотидаги муаммоларга ечим топилди. Хашар йўли билан иссиқхона қурилди. Энг муҳими, янги маҳалла биноси фойдаланишга топширилди.

Маълумки, барча режалар ижроси худудлар инфратузилмасига боғлиқ. Бу жиҳат ҳам эътибордан четда эмас. Давлат раҳбарининг аҳолини ичимлик сув таъминоти билан таъминланганлик даражасини янада ошириш



бўйича тегишли қарор ва топшириқларига асосан, "Зомин-Тўрттом-Сирғали" сув иншоотидан илк бора "Ифтихор" маҳалласига ичимлик сув олиб келинди. Натижада уч мингдан зиёд аҳолининг тоза ичимлик сувга бўлган эҳтиёжи тўлақонли қондирилди.

"Учтургон", "Соҳил", "Маданият", "Маънавият", "Ижодкор", "Наврўз" маҳаллаларида узунлиги 58 км бўлган янги тармоқ тортиш ишлари бажарилмоқда. Қурилиш ишларини 2026 йилда якунлаш кўзда тутилган. Бунинг натижа-сида 20 минг нафар аҳоли, корхона ва ташкилотлар марказлашган оқова сув хизмати билан қамраб олинади.

"Бунёдкор" маҳалласи худудидаги Сарбон кўчаси кўп йиллардан буён таъмирталаб ҳолатда эди. Боғча ва мактабга элтвучи мазкур кўча ёгин-сочинли кунларда аҳоли вакилларига ноқулайлик туғдирарди. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан кўчанинг 500 метрдан зиёд қисми асфальтланди.

Эҳтиёжманд аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва аёллар манфаатини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилляпти. Алишер Навоий номидаги ҳамда "Маънавият" маҳалла-ларида истиқомат қилаётган, "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"да рўйхатда турган, иш билан банд бўлмаган, кам даромадли фуқароларга "Сайхунобод тажрибаси" асосида кўмаклашиляпти. Яқинда улар томорқачиликни ривож-лантириб, кўшимча даромад топишни йўлга қўйишлари учун Сайхунобод туманининг "Нуробод", "Пахтаобод",

"Иттифок" ва "Олғабос" маҳаллаларида тажриба алмашишди. Аҳоли хонадонларида томорқачилик, кўенчилик, товуқ-чилик, асаларичилик ва бошқа соҳаларни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишишди.

"Учтургон" маҳалласида яшовчи Башоратхон Бобоева бундан бир йил муқаддам қўлида гулдай хунари бўлса-да, тикув машинаси олиш учун имконияти йўқлиги сабабли хотин-қизлар фаолига мурожаат қилди. Шароити, оилавий аҳволи ўрганилиб, "Аёллар дафтари"га киритилиб, мурожаати ижобий ҳал этилди. Хонадонда кўрпа ва кўрпача тикишни йўлга қўйди.

Манзилли дастур асосида "Анорзор" маҳалласида ҳам ибратли ишлар йўлга қўйилган. "Аёллар дафтари"да турган 86 нафар ишсиз ва даромадсиз хотин-қиз "Ишга марҳамат" мономарказида ўқитилиб, 200 миллион сўм миқдоридagi субсидия маблағи ҳисобидан тикув машинаси ва бошқа жиҳозлар олиб берилди. Касаначилик асосида фаолият кўрсатаётган "Жасмина-Муслима ҳамкор" масъулияти чекланган жамиятида кўшимча билан, юртимизга қайтди. 15 нафар ишсиз хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

Миграциядаги юртдошларимиз билан яқин алоқа ўрнатганмиз. Урган-ишлар асосида кам даромад топаётган, оғир шароитга тушиб қолган фуқароларни ватанга қайтишига кўмаклашиляпмиз. Улардан бири — "Учтургон" маҳалласида истиқомат қилувчи Суннат Мамарозиқов. Бу йилгит ўн йилдан ортиқ миграцияда фаолият юритди. "Маҳалла еттичилиги" чорлови билан, юртимизга қайтди. Ҳозирда новвойлик қилиб, 6 миллион сўм ойлик даромад топяпти.

Туман маҳаллаларида ўзига хос ташаббусни йўлга қўйганмиз. Унга кўра, "маҳалла еттичилиги"нинг кунлиқ, ҳафта-лик, ойлик, чораклик иш режалари, намунавий бир ойлик тадбирлар дастури тайёрланиб, ҳафтанинг ҳар бир кунига рамзий ном берилди.

Душанба кўни — маданият ва санъат, сешанба — оммавий ва миллий спорт, чоршанба — маънавият ва маърифат, пайшанба — жиноятчиликни олдини олиш, жума — саломатлик, шанба — тадбиркорлик ва бандлик кунлари этиб белгиланди.

**НИГОҲ**

## ТОМОРҚАДАН ТОМГАНИ ҲАМ ХОРИЖДАГИДАН КАМ ЭМАС

**Қишлоқ хўжалиги соҳаси битмас-туганмас даромад манбаи ҳисобланади. Буни аҳолимиз яхши билади. Томорқачилик, чорвачилик, кўенчилик, паррандачилик, асаларичилик каби соҳаларда ўзига яраша тажрибамиз бор.**



**Қамолддин ЖУМАОБОВ, Боёв туманидаги Садриддин Айний номидаги маҳалла раиси.**

Маҳалламизда 4 215 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улар тасарруфидаги 120 гектар ер майдонига рўзғор учун зарур бўлган экин турларини экиб, даромад топади. Чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик — "драйвер". Хуллас, ҳовлиларидаги ер майдонидан йилига икки-уч маротаба ҳосил олишади. Бир қарич ҳам бўш турган жой топа олмайси.

Одамларимиз "кўшимча даромад қилсам, рўзғордаги майда-чуйда муаммоларни бартараф этсам" деб иш қилиб, хорижий давлатларга бормайди. Уша маблағни шу ерда, оиласи бағрида топяпти.

Жўракул Жабборов 30 сотих томорқасидан йилига уч маротаба ҳосил кўтаради. Даромади ёмон эмас. Уй, автотомашина, фарзандларнинг тўйи, хуллас, барча-барчаси томорқачилик ҳисобидан. 10-12 сотих ерга исмалок, 8 сотихига укроп, кашничи сингари резавор, қолганига саримсоқпиз ва кўк пизез қадаган. Истеъмолдан ортганини сотади. Исмалокдан кунига 200-250 минг сўм, укроп ва кашниқдан ҳам шунча даромад топади. Шунингдек, Калифорния чувалчанги орқасидан яхшигина даромад қилляпти. Дастлаб 3 килограмм чувалчанг олиб келиб, иш бошлаган бўлса, бугун унинг миқдори 500-600 килограммдан ошиб кетди. Йилига 70-80 тонна биологик соф гумусни ишлаб чиқариб, тоннасини 2 миллион сўм атрофида хариддорларга етказиб берляпти.

Даромад ҳисобидан 6 сотихли иссиқхона қурди. Эрта баҳор бозорга тўксонбостига экилган экинни чиқарса, ёзда помидор, бодринг, булғор қалампирни, кеч кўзда исмалок, укроп, кашничи, саримсоқпиз ва кўкпиз чиқаради.

Йил якунигача йўл, электр таъминотидаги муаммоларни ҳал этишни режа қилганмиз. Жумладан, 2 км. ички кўча асфальтланади, 15 дона симёғоч янги-гиса алмаштирилади. Оқова сув келувчи ариқларни бетонлаштириш эвазига деҳқончилик ва томорқачилик янада ривожлантирилади.



**МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?**

## "Mahalla" доимий ҳамроҳимга айланган



**Жумабой РАҲМОНҚУЛОВ, Боёв туманидаги "Навбахор" маҳалласи раиси, туман Кенгаши депутати:**

— Бугунги шиддаткор жараён барча соҳа эгаларидан изланиш, меҳнат талаб қилади. Кимки, ўз устида ишларини тўхтатса, замондан ортда қолиши аниқ. Шу маънода маҳалла раиси ҳам билим ва маҳоратини ошириб бориши давр талабидир.

Ҳўш, маҳалла тизими ходимлари бунинг учун қайси манбаалардан фойдаланади? Албатта, соҳага оид қўлланмалар билан бирга, босма нашрлардан олади. Менинг ҳам фаолиятимда "Mahalla" газетаси доимий ҳамроҳимга айланиб қолган. Бирор масала, муаммо, савол туғилса, дарров газетадан жавоб топаман. Шу сабабли ҳар йили севимли газетамга биринчилар сифида обуна бўлишга одатланганман.

**МАНЗАРА**

## Хонадон эгалари ишласа бас, харидор шартмас

**Ер олиб, экин эккан билан ҳосил мўл бўлавермаслиги, фойдаси кўринмаслиги мумкин. Яхши натижага эришиш учун, аввало, билим, тажриба зарур.**

**Шодиёр АҲРОРҚУЛОВ, Боёв туманидаги "Анорзор" маҳалласи раиси.**

Бу жараёнда "маҳаллабай" ишлаш тизими, уйма-уй юриш орқали тарғибот ишларини олиб бориш, "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида иш ташкил этилиши ижобий натижалар омили бўлмоқда. Битта маҳаллага бир маҳсулот уруғи ёки кўчати етказиб берилиши ҳисобига хонадон эгаларининг ҳам вақти, ҳам нақди тежалмоқда. Муҳими, маҳсулот пишиб етилганидан кейин харидор излашга эҳтиёж қолмади. Биз ҳам маҳаллада мана шу мезон асосида иш ташкил этиб, аҳоли даромадини оширишга эришмоқдамиз. Бунда Президент ташаббуси билан



жорий этилган "Сайхунобод тажрибаси"дан унумли фойдаланмоқдамиз. Одамлар томорқачилик ортидан яхши даромад топиб, уй қуриб, тўй қилмоқда. Шу боис йилдан-йилга маҳаллада томорқачилик ривожланмоқда. Тўғри, дастлаб фуқароларда иккилан-ниш, кўрқув бўлди. Кўз кўрқок, қўл ботир, деганларидек, астойдил ишга киришганлар натижани кўп кутмади.

Мисол учун, асли касби тегирмончи бўлган Муҳаммаджон Камолов бу борада маҳалладошларига ҳар жиҳатда ўрнатқ бўлмоқда. "Сайхунобод тажрибаси" асосида йилига 200 миллион сўм фойда кўрмоқда. У ўзининг 30 сотихли томорқасида павловния дарахтини етиштиришни йўлга қўйган. Икки йил олдин 500 туп ниҳол келтириб, парваришни бошлаганди. Бугун дарахтларнинг бўйи 15 метрга етди. Бундан ташқари, 1 000 кв. метр майдонда биогумус етиштириш билан шуғулланади. Ҳар

йили 100 тонна маҳсулот сотиб, 100 миллион сўм соф фойда олмоқда. 7 сотих ерда 40 туп олма парваришланади. Ундан ҳар йили 5 тоннагача ҳосил кўтаради. Қувонарлиси, хонадон соҳибининг тажрибаси вилоятда оммалаштирилмоқда.

Жорий йил бандликни таъминлаш борасида ташаббус йўлга қўйилди. 10 гектар майдонга Туркиядан анжир кўчати олиб келиб, парваришлани бошладик. Кўчат ораларига қовун экилди. Анжирзор 20 нафар ёшга бўлиб берилади. Шу жараёнда бир масала юзага келди. Яъни, хориждан олиб келинган кўчатларни сақлаш учун кўшни маҳалладаги музлатгич омборхонадан фойдаландик.

Анжирлар пишиб етилса, уларни сақлаш имкониятимиз йўқ. Шу боис маҳаллада музлатгич омборхона қуриш лозим. Йил якунигача 77 нафар ишсиз фуқаронинг бандлигини таъминлаш режамиз бор.



Интеллектуал мулкни ҳуқуқий жиҳатдан ишончли тарзда ҳимоя қилишга қаратилган ЯНГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.



Президент фармони билан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларини РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ жорий этилади.



Президент қарори билан САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИ 2030 ЙИЛГА ҚАДАР ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ чора-тадбирлари белгиланди.

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

# Оилалар доимий даромадли соҳаларга йўналтирилган

Раҳбарлик фақатгина ваколат, мансаб ёки лавозим бўлиб қолмай, балки улкан масъулиятдир. Хар кунлик фаолиятимни ана шу мезон асосида қурганман. Маҳалла тизимига берилаётган эътибор, соҳадаги ислохотлар ижроси биздан янада шижоат билан ишлашни талаб этмоқда.

Ёрқинжон ЖАНОДИЛОВ,  
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фориш тумани бўлими бошлиғи.

Хеч шубҳасиз, “маҳалла еттилиги” фаолиятини ташкил этилиши соҳа ривожини янги босқичга олиб чиқди. Муаммолар тезкор ва манзилли ҳал этила бошлади.

Ўрганишларга кўра, туманда 2024 йилда 3 минг 761 та камбағал оила рўйхатга олинган бўлиб, 16 минг 549 нафар фуқаро кўмакка муҳтож деб топилган. Утган даврда жами 1 минг 14 нафар фуқаро доимий даромад топиш имконига эга бўлди.

Жорий йил камбағалликни қисқартириш — умумхалқ ҳаракати га айланди. Энг оғир шароитда яшаётган 309 та оиллага раҳбарлар бириктирилди. Бугунги кунга чарчасига ёрдам берилди.

Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган фуқаролар субсидия ва имтиёзли банк кредитлари билан таъминланиб, қўшимча иш ўринлари яратилди.



Мисол учун, Амир Темури номидаги маҳалла ёшлар етакчилиги ташаббуси натижасида ёш тадбиркорлар сафи кенгаймоқда. Назоқат Раззоқова ҳамда Чарос Валиева тадбиркорлик фаолияти орқали нафақат ўзларини, балки кўплаб тенгдошларини ҳам иш билан таъминлашди.

“Эгизбулок” маҳалласида яшовчи Фурқат Чимпёзов 100 миллион сўм имтиёзли кредит эвзига паррандачилик фаолиятини бошлади. Муъжазгина товуқхона қуриб, 10 минг бош жўжа ҳамда зарур озқаларни харид қилди.

Ойбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Сарвиноз Раҳимова ҳаётида ҳам ижобий ўзгариш рўй берди. Боқувчиси йўқ бўлгани учун яқингача “Аёллар дафтари”да

рўйхатда турарди. “Маҳалла еттилиги”нинг кўмагида субсидия асосида 10 та тикув машинаси, 15 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди, яшаб турган хонадонининг том қисми таъмирлаб берилди. Тикувчилик йўналишида тадбиркорлик фаолиятини бошлади.

“Қизилқум” маҳалласида яшовчи Азиза Худойбердиева ташаббускорлиги билан эҳтиёжман аёллар сафидан чиқди. 5 гектар ер майдонига ўз иссиқхонасида етиштирилган қовун, тарвуз кўчатларини плёнка тагига экишни йўлга қўйди. Ушбу жараёнда 15 нафар фуқаро бандлигини таъминлади.

Ўз навбатида, худудлар инфратузилмасини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. “Оқтом” ва “Қўлба” маҳалласи

“Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида ободонлаштирилди. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида “Қўлба”да 3 км. масофадаги оқова сув тармоғи таъмирланди.

Маҳаллаларда томорқадан самарали фойдаланиш бўйича янги тажриба тўпланган. “Нарвон” маҳалласида яшовчи Сайфиддин Абдиев оиласи томорқадан қўшин-ёзин даромад олади. Оила мўъжазгина иссиқхонада турли кўчатлар ва лимон етиштиради.

“Учма” маҳалласида яшовчи Эгамберди Махаммадов, Фарход Бердимуродов, Бобур Эгамқулов, Бердиёр Ихтиёровлар ҳам намунали томорқачилардан. Улар хар йили 3 маротабагача ҳосил олади.

ТАКЛИФ

## “Билдирилган ишонч ортида оқланажак ишларимиз кўп”

Халқимиз бизни ишонч билан сайлаган. Хар дақиқа шу ишонч ва умидни оқлай олармиканман, деган савол билан яшайман.



Дилфуза ҒАФҒОРОВА, Фориш туманидаги “Сайёд” маҳалласи раиси.

Масъулиятни ҳис қилиб, одамлар орасида бўлишга интиламман. Уларнинг қандай яшаётганини билиб бориш, муаммосига ечим топиш, иш билан таъминлаш, боқувчисини йўқотган ёки кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш, уй-жойини таъмирлаш каби масалалар “еттилик” ходимларининг асосий вазифасига айланган.

Худудимиз ўзига хос табиати, аҳолисининг турмуш тарзи, урф-одат, анъаналари билан ажралиб туради. Кейинги пайтда тадбиркорлик ривожланиб, янги иш ўринлари пайдо бўлди.

Шаҳзод Отабуллаев “еттилик” кўмагида фаолиятини кенгайтирди. Дастлаб 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, эҳтиёждан келиб чиқиб, сандиқ қути, хонтахта, келинлик сарпоси учун кичик мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Тез фурсатда маҳсулотларига талаб ошиб, фаолиятини кенгайтириш зарурати туғилди. Бунинг учун яна 50 миллион сўм олишга кўмаклашди. Яқна тартибдаги тадбиркор сифатида 5 нафар шогирдига хунар сирларини ўргатмоқда.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида аёллар бандлигини таъминлашда ўзига хос тажриба ва ташаббусга эгамиз. Рўйхатда турган боқувчисини йўқ, 4 нафар фарзанднинг онаси Гулмира Бобоқоновага тикувчилик соҳасида тадбиркорлигини бошлашга кўмаклашди. Натижада унинг ўзи ва оиласи доимий даромадга эга бўлиш баробарида, 6 нафар аёлни иш билан таъминлади.

Матлуба Одилова туризм соҳасида фаолиятини йўлга қўйиб, оилавий меҳмон уйи ташкил этган. Бу ерда дам олиш учун келган сайёҳларга барча шароит яратилган. Имтиёзли кредит маблағи эвзига бир вақтинч ўзида 60 нафар дам олувчинини қабул қила олиш имконияти бор.

Худуднинг асосий “ўсиш нуқтаси” — чорвачилик ва узумчилик. Шу йўналишда ердан ризқ ундириб, баракат топаётганлардан бири — Достон Мавлонов. Бу инсон умрининг катта қисмини деҳқончиликка бахш этган. Унинг узумзор 40 сотих майдонга жойлашган.

Бугунги маҳалла раиси топқир, ҳаракатчан, энг асосийси, унда эғалик ҳисси бўлиши керак. Халқ билан давлат ўртасидаги кўприк вазифасини бажариб, уларнинг қувонч ва ташвишлари, муаммоларига ечим топиши, дардини, таклифини айта олиши лозим. Шу маънода бир қатор таклиф ва ечимини кутаётган муаммолар ҳақида тўхталмоқчиман.

Юқорида таъкидлаб ўтганимдек, “драйвер”имиз — узумчилик. 548 та хонадонда шу иш даромад манбаи ҳисобланади. Аммо мева сақлаш учун музлатгич омборхона йўқ. Қолаверса, хонадонлардаги узум ҳамда майизни экспорт қилишга ихтисослашган корхона ташкил этиш лозим. Агар шу иш амалга ошса, аҳоли даромади янада кўпайиб, янги иш ўринлари яратилади.

Маҳаллий дастур ҳамда “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси асосида 32 км. ички йўлни таъмирлашга эришидик. Аммо Фориш туманига борувчи катта йўл эскириб, ярқисиз холга келиб қолган. Жорий йил “Ташаббусли бюджет” доирасида шу йўлни асфальтлаш таклифини қиритганмиз. Ёшлар учун кичик спорт майдони қуриш режамиз ҳам бор.

ОБОДЛИК

## ТАШАББУС 700 НАФАР ИШСИЗНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАДИ

“Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонларининг жорий этилиши натижасида маҳалла инфратузилмаси яхшиланиб, аҳоли яшаш тарзи юксалди. Энди муаммолар ўтмишга айланди.



Шерали ТИЛАБОВ,  
Фориш туманидаги “Оқтом” маҳалласи раиси.

К ишда лой, ёзда чанг-тупроқ кўчалар шағалланди, нураб, қийшайиб қолган бинолар ўрнида замонавийлари қад ростлади. Қувончлиси, жараёнда аҳоли ҳам фаол иштирок этиб, томорқасини ҳайдади, дарахтларга шакл бериб, оқлади, қағирстону кўчалар тозаланди. Камбағаллик, ишсизлик қисқариб, маҳалла “оғир” худуд тоифасидан чиқарилди. 3 500 нафар аҳоли хатловдан ўтказилганда, 85 нафар ишсиз, 95 та камбағал оила мавжуд эди. Уларнинг барчаси имкониятига қараб иш билан таъминланди, иқтисодий қўллаб-қувватланди.

Утган йилги ўзига хос ташаббусимиз вилоятга намуна бўлди. Ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда кескин бурилиш ясалди. Унга кўра, 100 та хонадонга 1 сотихдан ер берилди. Шунингдек, 100 та оиллага паррандачилик, 30 та оиллага бўрдоқчилик билан шуғулланиши учун узоқ муддатли кредит маблағи ажратилди.

Вақтинча иш билан банд бўлмаган 20 нафар хотин-қиз гулчилик ва кўчатчилик йўналишида ўқитилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тад-

биркор Шарофат Нориеванинг ўқув марказида тадбиркорлик сирларини ўрганди. Бугун шу касб билан шуғулланиб, рўзғорига барака кирмоқда. Қарийб 700 нафар аҳолининг бандлиги таъминланди. Ишсизликдан холи худудга айланди.

Яқингача оқова сув катта муаммо ҳисобланарди. Шу сабабли хар бир хонадонда томорқани сугориш учун қудуқ қазиб, сув чиқарилди. 10 километр ички йўлга шағал тўқилди, электр таъминотидаги узилтишларни бартараф этиш, интернет алоқасини яхшилаш мақсадида 87 донга темир-бетон таянч устунни ўрнатилди. 5 донга трансформатор таъмирланди. 4 километрлик ичимлик сув тармоғининг 2 километри реконструкция қилинди. 2 та умумтаълим мактаби, 1 та давлат мактабгача таълим ташкилоти ва 1 та қишлоқ оилавий шифокорлик пунктида ҳам таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Гувоҳ бўлганингиздек, кўп ишлар бажарилди. Лекин 1,2 км. масофадаги йўл таъмирталаб бўлиб қолди. Шунинг “Ташаббусли бюджет” лойиҳасига киритмоқчимиз. Яна бир оғриқли нуқтаимиз — маҳаллада ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик корхона йўқ. Келгусида мана шу йўналишда тадбиркорлар билан ишлашни режа қилияпмиз.

ТАЖРИБА

## ҚУМЛИ ВА ШҲР МАЙДОНДАН МҲЛ-КҲЛ ҲОСИЛ УНДИРИЛДИ

Инсон қўли гул, истаса, чўлни бўстонга айлантиради. Буни маҳалламиз мисолида кўриш мумкин. 2 019 нафар аҳоли яшайдиган худуд, асосан, қумли шўр тупроқдан иборат. Бу ерда аввал қончилар истиқомат қилган. Кейинчалик ён-атрофдан қўчиб келганлар ҳисобига мана шу маҳалла бунёд этилган.

Норбиви АҲМЕДОВА,  
Фориш туманидаги “Учқулоч” маҳалласи раиси.

Асосий “ўсиш нуқта”имиз — чорвачилик. Лекин кейинги пайтда деҳқончилик ҳам ривожланмоқда. Томорқадан боғ яратиб, иссиқхонадан юқори даромад олаётганлар кўпчилигини ташкил этади. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Ери қумли ва шўр бўлган майдонда қандай қилиб маҳсулот етиштирилмоқда?

Барчасига меҳнат ва машаққат, сабр-тоқат ортидан эришилмоқда. Мақсуда Хўжақулова томорқасига кириб, дилнингиз яйрайди. Бу ерда қовун-тарвуз, ошқовоқ, помидор, бодрич пишиб етилмоқда. Шафтоли, гилос, олма, бодом каби мева-дарахтлар ҳосилга кирган. Хонадон эгалари рўзғор учун керакли маҳсулотни бозордан сотиб олмайди. Бундан ташқари, томорқадда 4 сотихли иссиқхона қурилган бўлиб, 60 туп лимон

ва мандарин етиштирилмоқда. Уч йил аввал ҳоким ёрдамчиси тавсияси ва кўмагида бошланган хайрли ташаббус бугун мевасини бера бошлади.

Хонадон соҳибни Суръат Хўжамқулов “Хар бир оила — тадбиркор” дастури асосида 33 миллион сўм кредит олиб, ўзи ва фарзандларининг бандлигини таъминлаган. Худуддаги 12 та хонадонда иссиқхона ташкил этилган. Жорий йилнинг ўзида 50 нафар талабгор тадбиркорлик фаолиятини бошлади.

Айдарқўлга яқин жойлашганимиз учун балиқчилик билан шуғулланадиган оила вакиллари кўп. Айниқса, ишсиз ёшларнинг томорқасига кириб, дилнингиз яйрайди. Бу ерда қовун-тарвуз, ошқовоқ, помидор, бодрич пишиб етилмоқда. Шафтоли, гилос, олма, бодом каби мева-дарахтлар ҳосилга кирган. Хонадон эгалари рўзғор учун керакли маҳсулотни бозордан сотиб олмайди. Бундан ташқари, томорқадда 4 сотихли иссиқхона қурилган бўлиб, 60 туп лимон





Иш берувчиларнинг бандлик органи юборган шахсларни ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛМАГАНЛИК УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



2025 йил 1 ноябрдан ИШСИЗЛИК НАФАҚАСИ ФАҚАТ МЕХНАТ ШАРТНОМАСИ БЕКОР ҚИЛИНГАН ШАХСЛАРГА Тўланади.



Малакасини ошириш ва касбга қайта тайёрлашни истагидаги шахсларга кўшимча таълим олиш учун "КАСБ ВАУЧЕРИ" БЕРИШ ТАРТИБИ жорий этилади.

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

# “Еттилик” дек мустақил тузилма ҳар қандай масалага ечим топади



Сўнги йилларда маҳалла тизимига катта эътибор берилди, унинг ваколат ва имкониятлари кенгайтирилди. Маҳалланинг жамиятдаги ролини мустақамлаш ва аҳоли муаммоларини ҳал қилишда биринчи бўлин сифатида фаолият кўрсатишга қаратилган тизим яратилди.

**Фаррух АБДУМАННОПОВ,**  
Ўзбекистон маҳаллалари уюмчаси Термиз шаҳар бўлими бошлиғи.

Термиз шаҳридаги 37 та маҳаллада хонадонларнинг тўлиқ хатлови амалга оширилиб, аҳоли ижтимоий-иқтисодий ҳолатига оид 401 та кўрсаткич бўйича баҳоланди. Шу асосда вилоят, шаҳар, маҳалла баланси тузилиб, ҳар бир маҳалла бўйича бир йиллик дастурлар ишлаб чиқилди. Улар доирасида “Омбор дафтлари” шакллантирилиб, ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, ёшларга ер ажратиш, хонадонларни обод қилиш, кўчаларда ҳашар ташкил этиш каби манзилли чора тadbирлар белгиланди. Ҳар бир кўча “маҳалла еттилиги” аъзоларига тақсимланди. Ушбу ишлар Сайхунбод

ва Уйчи туманлари тажрибалари асосида муваффақиятли амалга оширилиб, 1 927 нафар ишсиз фуқаро рўйхати тузилди, уларнинг 1 735 нафари (90 фоизи) ишга жойлаштирилди, қолганлари ҳозирда мавсумий ишларда банд. Шу билан бирга, “маҳалла бюджети” тизими яратилди. Бу орқали инфратузилма, кўп мақсадли бинолар (яхшилланган маҳалла биноси, спорт майдони, ёшлар маркази) куриш, ободонлаштириш ва ижтимоий ёрдам тadbирларига маблағ ажратилиши таъминланмоқда. Жумладан, битта маҳаллада янги бино курилди, яна бири тўлиқ таъмирдан чиқарилди, 14 та маҳаллага компьютер жамланмаси, 6 тасига совутиш ускунаси, 3 тасига мебель олиб берилди. Маҳалла ва мактаб ўртасидаги узвийликни кучайтириш мақсадида мактаб

ҳудудида директор билан биргаликда кузатувнинг юқори даражасини таъминлаш амалиёти жорий этилиб, шаҳар бўйича ўқув самардорлиги 99,8 фоизга ошди. “Оила – маҳалла – мактаб” тамойили асосида шаҳардаги 26 та умумтаълим мактабида 185 мартаба ота-оналар йиғилиши, 161 та тарбиявий соатлар ўтказилди. Шунингдек, маҳаллаларда мурожаатлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилди. Жараёнда 329 та мурожаат қабул қилинди: шундан 187 таси жойида ҳал қилинди, 57 та мурожаат бўйича ҳуқуқий маслаҳат, 67 тасига тушунтириш берилди, 18 та мурожаат рад этилди. Йиғинларда “Рақамли маҳалла” тизими тўлиқ жорий этиляпти. Хусусан, барча

ёзма маълумотлар электрон платформага ўтказилмоқда. “Еттилик” вакилларининг тарқоқ платформалари битта ахборот базасида йиғилляпти. Натижада ҳисоботларда турли рақамларнинг олди олиниб, ижтимоий ёрдамлар манзиллиги таъминляпяпти. Ташки миграциядан қайтиб келувчи фуқаролар учун хатлов ва анкета-сўровнома тизимлари жорий этилмоқда. Юқоридагилар ўтган даврда эришилган натижаларнинг бир қисми, холос. Биз маҳаллани “ҳар қандай масалани жойида ҳал қилдиган тизим”га ва “еттилик”ни “мустақил фаолият юритувчи тузилма”га айлантиришга интиломдамиз. Бу борадаги ишларимиз натижасида маҳалланинг ваколати ҳам, имкониятлари ҳам ошади.



## Халқ билан мулоқот ҳаётий тамойилга айланган

Маҳалла тизимида фаолият юритаётганимга 15 йилдан ошди. Бу йиллар давомида турли лавозимларда – дастлаб масъул котиб, кейинчалик раис ўринбосари сифатида ишладим. Сўнги уч йилдан буён раис лавозимида фаолият юритапман.



**Турсуной АЛЛАЁРОВА,**  
Термиз шаҳридаги “Гулираёно” маҳалласи раиси.

билан бугун замонавий маҳалла биноси бари барпо этдик. Халқ билан доимий алоқада бўлиш мен учун ҳаётий тамойилга айланган. Маҳалламизда алоҳида гуруҳ очганман, кимдадир тўй бўладими, маърака, йиғин ёки муаммо пайдо бўладими, албатта, хабардор бўлишим керак. Ҳар куни эрта тонгда маҳалла кўчаларини айланман. Кимнингдир мурожаати бўлса, юзма-юз учрашиб, дарҳол чора кўраимиз. Шундай суҳбатларда одамлар менинг улар учун, уларнинг эса мен учун кадрли эканини ҳис этади. Шу пайтгача катта муаммоларга дуч келмадик, аммо ҳар бир кичик масала ҳам биз учун муҳим. Масалан, ота-онаси узоқда бўлган болани вассийликка олган хонадонга жойлаштириб, мактабга берганмиз. Ёки бўлмаса, кўшни тумандан кўчиб келиб, йиллар давомида пенсияга чиқа олмаган фуқарони ҳуқуқий йўл билан рўйхатдан ўтказиб, нафақага чиқаришига ёрдам берганмиз. Бу мен учун шунчаки хизмат, аммо улар учун ҳаётдаги катта бурилиш. Раислик – бу фақат лавозим эмас, бу халқ билан доимий мулоқотда бўлиш, дардига қўлоқ тутиш, иложи борича муаммосини жойида ҳал қилиш деганидир.

Фаолиятимни энг кўйи бошиқдан бошлаганим боис, бугунги ишларимда ўша тажриба менга жуда катта ёрдам бермоқда. Бугунги кунда маҳалла тизимида яратилаётган шароитлар туфайли ишимиз анча енгиллашди. Илгари “бешлик”, кейин “еттилик” таркиби шакллантирилиб, ходимлар сони кўпайтирилди. Энди ҳар бир ходимга аниқ вазифалар юклатилиб, улар ўз ишларини сидқидилдан бажаришляпти. Фуқаролар муаммоси билан юқори ташкилотларга боришга мажбур бўлмади – ҳар бир масала маҳалланинг ўзида ҳал этилади. Бу эса одамлар ишончини янада оширади. Маҳалламиз инфратузилмаси йилдан-йилга яхшиланмоқда. “Драйвер” – тadbиркорлик, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидир. Хонадонлар кичик бўлса-да, аҳоли томорқадан оқилона фойдаланади. Иссиқхоналар, қуёнчилик, кичик корхоналар орқали турмуш даражаси йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бизда тadbиркорлар жуда саховатли, уларнинг моддий кўмаги

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

### “MAHALLA” МУТОЛААСИ КУНДАЛИК ОДАТИМИДир

**Нигора МИРЗАҚУЛОВА,**  
Термиз шаҳридаги “Шодлик” маҳалласи раиси:



– “Mahalla” газетасининг ҳар бир сонини сабрсизлик билан кутаман. Унда фақат хабарлар ёки расмий маълумотлар эмас, балки раҳбар сифатида менга керакли ҳаётий тажриба, амалий маслаҳатлар, ҳуқуқий тушунчалар бор. Шу боис уни муталаа қилиш – кундалик одатимга айланиб қолган. Айниқса, маҳалла тизимидаги ўзгаришлар, илғор тажрибалар, йиғинларда муваффақиятли амалга оширилган лойиҳалар ҳақида танишиш

мен учун катта манба ҳисобланади. Баъзида ўша тажрибаларни ўзимизда ҳам қўллашга ҳаракат қиламиз. Бугун кўпчилик интернетни афзал кўради, лекин ундаги маълумотлар қанчалик ишончли – бу ҳақли савол. Газета эса расмий ва доимо унда текширилган манбалар берилади. Шунинг учун “Mahalla” газетаси ҳар доим иш столида туради. Келгуси йил учун ҳам, албатта, обуна бўламан. Чунки яхши раҳбар, аввало, яхши ўқувчи бўлиши керак, деб биламан.

КЎЗҮ

## “Имконият бўляптими, демак, бурчимизни бажариш ҳам шарт”

Маҳалламизда ишлаб чиқариш, айниқса, тикувчилик асосий “драйвер” соҳа саналади. Ер майдонимиз 80 гектар, лекин ҳудудда мактаб, боғча, коллеж ёки бирор давлат ташкилоти йўқлиги биз учун жиддий муаммодир.

**Владислов МАНИЯЗОВ,**  
Термиз шаҳридаги “Наврўз” маҳалласи раиси.

Шундай бўлса-да, аҳоли бўш турган ер майдонларидан фойдаланиб, ўз бизнесини бошлашга ҳаракат қилмоқда. Имтиёзли кредитлар олиб, тикув чехлари, кичик ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиляпти. Шунга қарамай, афсуски, одамлар орасида моддий ёрдам ёки бола пулига ўрганиб қолган, ишлашни хоҳламайдиганлари ҳам топилади. Биз эса ҳар бир имкониятдан фойдаланиб, уларни иш билан банд қилишга, келажакни ўйлаб ҳаракат қилишга ундаймиз. Яна бир муҳим жиҳат – бу хўжжат юритиш жараёнида юзага

келаятган маълум муаммолардир. Илгари маҳалла тизимида масъул котиб лавозими мавжуд бўлиб, хўжжатлаштириш, архив ишлари ва расмий ёзмамалар самарали йўлга қўйилган эди. Ҳозирги кунда бу лавозимнинг мавжуд эмаслиги туфайли айрим ташкилий ва қоғозбозлик ишларини амалга оширишда қийинчиликлар кузатилмоқда. Чунки маҳалла ходимлари асосий эътиборни аҳоли билан бевоасита ишлашга, уларнинг муаммоларини жойида ҳал қилишга қаратаётгани боис, хўжжатлар билан тўлиқ ва тизимли ишлаш учун алоҳида масъул зарурлиги сезилмоқда. Шунингдек, жамоатчилик асосида фаолият юритаётган ходимларимиз орқали маҳалладаги тозалик ишларини йўлга қўйганмиз. Аммо бу борада ҳам имкониятларимизни янада кенгайтириш, тозалик ва ободончилик ишлари-



ни мунтазам олиб бориш мақсадида кўшимча ресурслар талаб этилади. Солиқлар, нафақа тизимида оид янгиликлар бўйича аҳолини хабардор қилишда биз изчил тизим йўлга қўйганмиз. Ҳар ҳафта жума куни кўчабошилар ва фаоллар билан йиғилиш ўтказамиз. Қонунлар, фармонлар, янги лойиҳаларни тушунтирамиз. Кўчабошилар эса бу маълумотларни ҳар бир хонадонга етказишади. Шу боис юқори ташкилотларга йўлланаётган мурожаатлар сони бўйича маҳалламиз республикада

энг кам шикоят тушган ҳудудлар қаторида. Бугун аҳолининг маданияти ўзгариб борапти. Энди улар ҳар бир муаммони тўғридан-тўғри юқорига олиб чиқмайди. “Маҳалла еттилиги” ходимларига бевоасита мурожаат қилишади. Ишлар жойида қўриб чиқилади, тушунтиришлар берилади. Ҳатто дам олиш кунлари ҳам маҳалла идораси ёпилмайди – навбатчилик ташкил этилган. Ҳар бир фуқарога қулайлик яратиш, уларнинг вақтини қадрлаш – бу бизнинг инсоний ва касбий бурчимиздир.



2025/2026 ўқув йили учун КАСБИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИГА қабул бошланди. Қабул 2025 йил 10 сентябргача давом этади.



Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги иккита назорат-ўтказиш пункти — “БЕКОБОД АВТО” ВА “ХОВОСОБОД” ХАЛҚАРО СТАТУСГА ЭҒА БЎЛДИ.



“Ўзбекнефтгаз” АЖ: **Аи-92** русумли 1 литр бензиннинг биржа савдоларидаги нархи 9 400 СЎМГАЧА АРЗОНЛАШТИРИЛДИ.

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ИМКОНИАТ

## “Тўпчи” да тўпланган тажриба бандликда асқатяпти

Маҳаллаимиз тумандаги энг чекка йиғинлардан бири бўлса-да, хизмат кўрсатиш, бандлик, тадбиркорлик соҳаларида намунали ҳудуд сифатида танлаб олинган. Қолаверса, бу ерда “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари ҳаётга татбиқ этилди.

Азизбек ИБРОХИМОВ, Боғот туманидаги “Тўпчи” маҳалласи раиси.

Президентимиз ташаббусига кўра, маҳаллаимизга “Микрокредитбанк” бириктирилган. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида банк томонидан 10 та хонадонга 344 миллион сўмлик лойиҳа пакетлари етказиб берилди ва 22 нафар фуқаро банд қилинди.

Мисол учун, Қажрамонлар кўчасида яшовчи Элёрбек Куронбоевга 60 миллион сўм кредит эвазига 3 бош чорва, 0,5 сотих иссиқхона ва 70 та парранда (жўжа) етказиб берилди, бу орқали 3 та лойиҳа пакети яратилди. Хонадон аъзоларининг 2 нафари иш билан таъминланди.

фуқаро даромад манбаига эга бўлди.

Энг истиқболли лойиҳа, бу — маҳаллада намунавий лойиҳа асосида барпо этилган энгил конструкцияли савдо ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчаларидир. Илгари бу ер қаровсиз ҳолатда ётарди. Бугун эса йўл бўйи обод қилиниб, ажойиб дизайнга эга савдо маскани маҳаллага янада кўрк бағишляпти. Уларда китоб дўкони, озиқ-овқат маҳсулотлари, болалар кийим-кечаклари, тикувчилик устоналари, гўзаллик салонлари ва бошқа турдаги савдо нуқталари фаолият юритмоқда. 40 нафар ишсиз аёл бандлиги таъминланган марказда одамлар сайр қилиши, овқатланиши, харид қилиши, мазмунли дам олиши учун барча қулайликлар яратилган.



“Бир контур – бир маҳсулот” тамойили асосида 10 гектар ер майдони 65 нафар ишсиз фуқарога (ҳар бирига 15 сотихдан) ижара асосида ажратилган. Биринчи экинда улар тарвуз етиштиришди, мавсумда 7,5 тонна маҳсулот олиниши кутилмоқда. Кейинги такрорий экин сифатида сабзи экилиб, ундан 4,5 тонна маҳсулот олиш режалаштирилган. Ушбу лойиҳа натижасида 65 нафар ишсиз

Аёлларни иш билан таъминлаш — бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири. Шу маънода маҳаллаимизда амалга оширилаётган ишлар бу соҳада амалий натижаларга эришиш мумкинлигини яққол намоён этмоқда. Энг муҳими, бу ишлар шунчаки расмийлик учун эмас, ҳақиқатан ҳам одамларга фойда си тегадиган, уларнинг оғирини энгил қиладиган шаклда ташкил этилди.

## “Аёллар ишсизлигидан холи ҳудуд бўлишдек хайрли амалдамиз”

Инсон учун ўз Ватанида яшамоқ, халқига хизмат қилмоқ, унинг қорига ярамоқликдан юксак бахт йўқ. Шукрки, маҳалла тизимида меҳнат қилаётган ходимларга шундай бахт nasib этган. Биз ҳар куни халқ ичида, эл орасида бўламиз. Ватандошларимизнинг дарду қайғуси, қувончларига тенг шерикмиз. Ўзгаришлар, ислохотларнинг аини бошида турамыз. Зеро, ҳар қандай янгиланиш маҳалладан бошланади.



Рустамбой МАДАМИНОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Боғот тумани бўлими бошлиғи.

Кейинги йилларда Боғот туманида бўлаётган ўзгаришлар ҳам салмоқли. Ҳудудда тадбиркорлик, ишлаб чиқариш, томорқачилик ривожланмоқда. Ҳар бир маҳалланинг ўсиш нуқталари белгиланиб, аҳоли бандлиги аини йўналишларда таъминланяпти. Хусусан, тоқзорлар ташкил қилиб, узум етиштириш, майиз тайёрлаш боғотликлар учун анъанавий боғдорчилик ҳисобланади. Бугун бу анъанани давом эттириш имкониятлари кенгайди.

Бир жиҳатни алоҳида қайд этишимиз лозим: давлатимиз раҳбари жорий йил 1-2 май кунлари вилоятимизга ташрифи чоғида Боғот туманини аёллар ишсизлигидан холи туманга айлантириш бўйича топширик берганди. Аини пайтда маҳаллаларда топширик ижроси доирасида хайрли ишлар бошланган.

Жумладан, Беруний номидаги маҳаллада жойлашган тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ҳамда ип-калага тайёрлашга ихтисослашган корхоналар фаолияти йўлга қўйилди. Уларда, биринчи навбатда, “Аёллар дафтари”да турувчи, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ноғиронлиги бўлган оила вакиллари ишли қилишга эришди. Ҳозирда “Inflow” МЧЖда 380 нафар, “Коботех” МЧЖда 400 нафарга ақин ишсиз хотин-қизнинг бандлиги таъминланган.

Туманининг Нурафшон шаҳарчасидаги аҳоли хонадонларида “Сайхунобод тажрибаси” асосида мўъжазгина иссиқхоналар ташкил қилиниб, помидор, бодринг, гул кўчатлари етиштириляпти. Деярли ҳар бир хонадонда қорамол, қўй-эчки, парранда боқилади. Хунармандчилик, шунингдек, касаначилик асосида каштачилик, гиламчилик маҳсулотла-

ри ишлаб чиқарилади. Имтиёзли банк кредитларидан фойдаланган ҳолда, сердаромад ишлар маҳалла аҳлининг кундалик юмушига айланган.

Кўриб турганингиздек, биргина аёллар бандлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар туфайли қанчадан-қанча оилага барака, қўшимча даромад кириб борапти. Бу борадаги ишлар мунтазам давом этади.

Ҳозирда туман миқёсида 261 нафар “еттилик” аъзолари фаолият юритапти. Маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан уларнинг иш фаолиятини самарали йўлга қўйишга интиляпти.

Жумладан, жамғарма маблағларидан маҳалла инфратузилмасини яхшилашга

2 миллиард 552 миллион сўм, моддий-техник базасини яхшилашга 250 миллион сўм сарфланди. Қолаверса, кам таъминланган оилаларга моддий кўмак берилди, бундай тоифадаги оилаларнинг тураржойи таъмирланди, аксариятига кўш панеллари ўрнатилди.

Сирасини айтганда, юқорида сўз юритганларимиз денгиздан томчидек гап. Бошқа соҳаларда ҳам ишлар авж палласида. Ҳар бир хонадон, ҳар бир эҳтиёжманд қатлам вакиллари эътиборимиздан четда қолмаяпти. Ёшлар, ишсиз шахслар, миграциядагилар билан ҳар бир маҳаллада мулоқот йўлга қўйилган. Йиғинларда янги иш ўринлари очилиб, қўшимча даромад манбалари яратилди. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси маҳалладошлар томонидан қилинаётгани эса бор гап.

Туманда томорқаси мавжуд хонадонлар сони 30 минг 388 тани, умумий томорқа майдони 4 929 гектарни ташкил этади. Уларнинг 2 721 тасида иссиқхона ташкил этилган. Қолаверса, 23 минг 108 та хонадонда чорвачилик йўлга қўйилган.



ДАРОМАД МАНБАИ

## Узумчилик “Ўзгариш”ни ўзгартириб юборди

Маҳаллаимизда узумнинг турли навларини етиштириш, сифатли ҳосил олиш борасида ўзига хос мактаб яратилган. Дала-томорқаларда узум етиштирилади, ҳар бир хонадонга 10-12 сотих ер майдони тўғри келади. Бу майдондаги тоқзордан 4-4,5 тонна ҳосил олиш мумкин. Узумдан олинган даромад ҳам шунга яраша. Оила иқтисодиёти учун тоқзорлар яхши имконият.

Матрайим АҲМЕДОВ, Боғот туманидаги “Ўзгариш” маҳалласи раиси.

Илгари “Ўзгариш” маҳалласида аҳолининг ишсизлиги сабабли ажралишлар, жиноят содир этиш ҳолатлари кўп кузатилар эди. Ушбу ҳудудга туманининг ер шароитига тўғри келадиган узумнинг экспортбоп навларидан “Ризамат ота”, “Кетмон сопи”, “Келин бармоқ”, “Сўғдиёна” навлари келтирилиб экилди ва бу орқали кўплаб фуқаролар ишли бўлди. Ҳозирда мавжуд 850 та оиланинг 700 таси узумчилик билан машғул.

Йиғинда “Олтириқ тажрибаси” асосида ҳам иш олиб борилляпти. Бу борада бешта боғдорчилик йўналишига ихтисослашган фермер хўжалигида узумлар экиляпти. Сентябрь-октябрь ойларида хорижга экспорт қилиш учун 2-2,5 минг тоннадан зиёд узум экспорт қилиш мўлжалланган. Улардан бири — “Маҳлиё Табассум Умиджон” фермер хўжалигида

1 гектар ғалла майдонида кўпи билан 20 миллион сўмлик маҳсулот етиштирилса, узумчиликда шунча жойда 300 миллион сўмлик фойда кўриш имкони бор.



28 гектар майдонда узумчилик лойиҳаси ишга тушган. Бунинг натижасида 300 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

Фермер Гулчехра Давлетова “Олтириқ тажрибаси” асосида узум етиштиришни йўлга қўйган. Маҳсулотни етиштиришдан тортиб, сақлаш, экспорт қилишгача бўлган барча жараёнлар маҳалланинг ўзида амалга оширилади. Тоқзорлар тағига турли сабзавотлар, полиз экинлари экилади. Фермер ўтган йили 100 тонна маҳсулот олган бўлса, бу йил уни 200 тоннага етказишни мақсад қилган. Бунинг учун ҳосил ҳам, тажриба ҳам бор...

Узумчиликнинг иқтисодий самарадорлиги ва ижтимоий аҳамияти катта. Масалан, 1 гектар хўраки узум етиштириш учун ўртача 100 миллион сўм харажат қилиб, 4 йилдан кейин йилига 250 миллион сўм соф фойда олиш мумкин. Аини жиҳатлар ҳисобга олиниб, маҳаллада узумчилик асосий ўсиш нуқтасига айланиб борапти. Энг муҳими, бу аҳолининг турмуши яхшиланишига, ёшлар бандлигини таъминлашга хизмат қиляпти.

ҚУЛАЙЛИК

## ҲАМ ДАСТЁР, ҲАМ КЎМАКЧИ

Ҳар гал шаҳарга борсак, кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи, маҳалла ободлигига масъул тузилмаларга ҳавас қилардик. “Бизда ҳам шундай кўмакчилар бўлса қанийди”, дердик. Ният холис экан, шаҳарчамизда “Маҳалла сервис компанияси” иш бошлади.




Ғайрат АЛЛАБЕРГЕНОВ, Боғот туманидаги “Олтинкум” шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси.

аҳолига 23 турдаги хизматлар таклиф этилган.

Эътиборлиси, бу ерда ҳозирда 8 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланган. Тузилмага солиқ имтиёзлари берилган, қолаверса, ходимларнинг даромад солиғидан озод этилгани, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси керакли техник воситалар ва ускуналар билан таъминлаш янги тизимни тартибли, самарали йўлга қўйиб олишга хизмат қилди. Умуман, бу тизим натижасида маҳаллаимизга файз кирмоқда, одамларда озодлик ва дахлдорлик маданияти кучаймоқда. Маҳаллада яшовчи усталар ва вақтинча ишсиз фуқароларнинг бандлиги таъминланяпти.

Давлатимиз раҳбарининг “Маҳаллаларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва қиёфасини тубдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, “Олтинкум” шаҳарчасида шундай компания фойдаланишга топширилди. Бу аҳолининг ҳам вақтини, ҳам нақдини тежаётир. Компания йиғини ободонлаштириш ишлари билан шуғулланади, кўчалар ва ариқлар тозаланиши таъминлайди, кўчатлар экиб, парварилляпти. Қолаверса,



**БИНО ВА ИНШОТЛАРНИ ҚУРИШ УЧУН РУХСАТНОМАЛАР электр энергиясининг зарур ҳажми ҳисоблаб чиқилган ва таъминлангандан кейингина берилади.**



**Ўзбекистонда ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА ТЕГИШЛИ БЎЛГАН ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ Сони 4 миллион 612 минг 700 тани ташкил этади.**



**Ногиронлиги бўлган, “Камбағал оилалар реестри”да турган шахсларга КАСБ-ХУНАР КУРСЛАРИДА ТАЪЛИМ ОЛИШ ДАВРИДА СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ.**

6

№65 | 2025 йил 13 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

Mahalla

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

## “Интиланга кўмак бермоқ, йиқилганга тиргак бўлмоқ — мақсадимиз”

Бугунги кунда шахримизда 15 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритмоқда. Аҳоли салоҳияти ва ҳудуддаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлардан келиб чиқиб, ушбу маҳаллаларда 22 минг 729 та хонадон, 26 минг 732 та оила ҳамда 93 минг 474 нафар аҳоли истиқомат қилиб келмоқда.



“Кончилар”, “Тинчлик” ва “Янги Зарафшон” маҳаллаларига 5кВт қувватга эга кўёш панеллари ўрнатилиб берилди.

Шахримиздаги “Юлдуз” маҳалласида истиқомат қилувчи Гулноза Рўзиева “Аёллар дафтари”нинг боқувчиси бўлмаганлар тоифасида рўйхатда туради. Яшаш шароити оғирлиги ва уйнинг хароб ҳолатга келиб қолгани учун ҳомийлар ҳисобидан жами 52 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, шаҳар ҳокимлигининг “Аёллар дафтари” жамғармасидан 9 миллион сўм маблағ ажратилди. Хонадоннинг ташқи фасадлари, эшик-деразалари электр монтаж ишлари тўлиқ якунига етказилди. Бундан ташқари, оила учун ҳамма керакли жиҳозлар олиб берилди.

Шаҳар бўйича 154 та хонадон вакиллари “Камбағал оилалар реестри”га киритилган бўлиб, шундан 149 тасига алоҳида режа ишлаб чиқилган. Уларни амалга ошириш жараёнида йиллар давомида давлат берадиган нафақага кўз тикиб яшаётган фуқароларнинг очилмаган янги кирраларини кашф этиб бораётиб. Кимдир тadbirkorликда яхши натижаларни қўлга киритаётган бўлса, яна бирови томорқасидан унумли фойдаланишни ўрганаяпти. Қолаверса, савдо-сотик, маиший хизмат кўрсатиш йўналишларида меҳнат қилиб, рўзгорини фаровонлик сари етаклаётганлар ҳам анчагина.

Баъзан ўйга толиб қоламан, одамларимизда интилиз боради, шижоат етарли, факатгина уни тўри йўналиштиришни билмайди, холос. Шунинг билан анчагина ҳолда, доим маҳалла раисларига халққа тиргак бўлишни, қийналганга йўл кўрсатишни кераклигини таъкидлашдан чарчамайман.

**Ҳабиб ХАЛИЛОВ,** Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Зарафшон шаҳар бўлими бошлиғи.

Таҳкамлаш борасидаги амалий ишлар қизғин давом этмоқда. “Маҳаллабай” ишлаш тизимини янада яхшилаш ва “маҳалла еттилиги”га қулай шароитлар яратиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди. Хусусан, “Ўзбекистон” маҳалласида “Ташаббусли бюджет” маблағлари ҳисобидан янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ходимлар учун керакли барча мебель жиҳозлари қурилиш ташкилоти томонидан етказиб берилди.

Маҳаллани ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармаси маб-

лағлари ҳисобидан “Кончилар”, “Курувчи” ва “Юлдуз” маҳаллаларига биттадан моноблок компьютер топширилди.

“Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонларини амалга татбиқ этиш мақсадида ҳар ойда камида бир марта маҳалладаги барча кўчаларда оммавий ҳашар ташкил этиш аънава тусига кирган. Шу билан бирга, камида иккита эҳтиёжманд оиланинг таъмирталаб хонадониди кўни-қўшнилари иштирокида ҳашар ўтказиш белгиланган.

Маҳаллаларнинг молиявий имкониятларини ошириш, мавжуд маблағларни мақсадли ва оқилона йўналтириш, шунингдек, уларнинг моддий-техник базасини мус-

## “MAHALLA”, БУ — ТАЖРИБА ЎРГАНИШ МАКТАБИ-КУ...

**Зухриддин ИКРОМОВ,** Зарафшон шаҳридаги “Юлдуз” маҳалласи раиси:

— Охириги вақтда кўпчилик муталаага қизиқишининг камайиб бораётганини кўйиб гапиряпти. Эҳтимол, бу борада улар ҳақдир. Лекин ҳали орамизда китоб ва матбуотга ошурфта кишилар кўллаб топилди. Буни ўз тажрибамга таяниб ишонч билан айта оламан.



“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

Ҳар сафар “Mahalla” газетасининг янги сони идорамизга келса, қўлма-қўл бўлиб кетади. Айниқса, чойхонада гурунқ қилиб ўтирадиган 20 нафарга яқин нуруний нашрни интиклик билан кутишади. Баъзан мақолаларда берилган мавзуларни қизғин муҳокама қилаётганининг гувоҳи бўлиб қоламан.

“Еттилик” ходимлари ҳам тизимдаги сўнги ўзгариш ва янгиликларни айнан шу газетадан кузатиб боришади. Сабаби, ҳар бир масала батафсил таҳлил қилинади. Саволга ўрин қолмайди. Қолаверса, бошқа ҳудудларда амалга оширилаётган ишлар, мутахассисларнинг маслаҳатлари бизга тажриба мактаби бўляпти.

Биз сўз билан айтганда, “Mahalla” — биз учун жуда керакли нашр. Шундай экан, унга обуна бўлишда давом этаёмиз.

## “Кимдир раҳмат айтса, миннатдор бўлса, чарчоғимиз унутилади”

Бу дунёда халққа хизмат кўрсатишдан кўра хайрлироқ иш бўлмаса керак. Кимга қандай ёрдам кераклигини аниқлаш, қийналганларни қўллаб-қувватлаш жараёнида биз, маҳалла ходимлари чарчоқ нималигини эсдан чиқарамиз. Одамларнинг қўлини кўксига қўйиб, раҳмат айтиши, миннатдор кайфиятда кузатиб қўйиши кучимизга куч қўшади. Аҳоли вакиллари билан биргана муаммосини ҳал қилиш орқали тўпланган илҳом манбаи яна қанчадан-қанча чигал вазиятларга ечим топишга замин яратади.

**Мавжуда НИЗОМОВА,** Зарафшон шаҳридаги “Ўзбекистон” маҳалласи раиси.

Хозирда ҳудудимизда 4 802 нафар аҳоли истиқомат қилади. Фуқароларнинг асосий қисми сартарошлик, техника воситаларини таъмирлаш, эшик, дераза ҳамда мебель ишлаб чиқариш соҳаларида меҳнат қиляпти. Бундан ташқари, умумий овқатланish шохобчаси, савдо пунктлари ташкил этган тadbirkorларимиз ҳам анчагина.

Гулшан Махмудова бир неча йил олдин бизнес бошлаш ниятида “Аёллар дафтари”га киритилган эди. Аввалига аукцион савдодан ер сотиб олиб, махсус бино қурдирди. Имтиёзли равишда берилган 18 миллион сўм кредит эвазига 6 та чок машинаси харид



қилди. Шундан сўнг тажриба ва қизиқишига таяниб, тикувчилик корхонасини ташкил этди. Айни вақтда беш нафар шогирди ва бир нафар ёрдамчиси билан бирга мавсумий либослар, мактаб ўқувчилари учун кийимлар ҳамда келин сарполари тикши билан машғул. Бундан ташқари, касаначилик асосида уч нафар аёлнинг ҳам бандлигини таъминлаб келяпти.

Ҳудудимиз санат зонаси ҳисоблангани боис маҳалламизга келиб-кетувчилар кўпчилигини ташкил этади. Шу боис ишсизлар рўйхати доимий равишда янгилашиб туради. Айниқса, хотин-қизлар орасида бу кўрсаткич анча юқори. Мазкур масалани ижобий ҳал қилиш мақсадида тез кунларда касб-хунар ўргатиш маркази ташкил этмоқчимиз. Ҳозир у қисман ўз ишини бошлаган бўлиб, ёшларга турли фан йўналишларида билим бериб келмоқда. Эндиликда аёллар учун мўлжалланган тadbirkorлик, тикувчилик, қандолатчилик, компьютер саводхонлиги йўналишларига ҳам қабул эълон қилмоқчимиз. Бунда айрим тоифадаги фуқаролар учун имтиёзлар берилиши назарда тутилган.

Маҳалламизда соғлом турмуш тарзи тарғиботи ва аҳолини спортга жалб қилиш бўйича ҳам қатор ишлар амалга ошириляпти.

Жумладан, Хуршид Нормуродов ташаббуси билан бунёд этилган янги мажмуа айни шу мақсад учун ишлатиб қиляпти. Барча ёш тоифасидаги аёл ва эркеклар учун мўлжалланган бу спорт саройи керакли анжомлар билан тўлиқ жиҳозланган. Аҳоли жисмоний фаоллиги билан вақтини мазмунли ўтказаяпти. Тadbirkor шу лойиҳа ортдан 12 кишининг доимий бандлигини таъминлаган.

Аслида, Зарафшон шаҳри 35 минг аҳоли сифмига эга. Лекин ишлаб чиқариш корхоналари ҳисобига 100 мингга яқин киши истиқомат қилади. Табиийки, бундай шароитда автотураргоҳларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Шу боис тadbirkorларга кўп қаватли шундай иншоотлар қуриш таклифини киритяпти. Техник хизмат кўрсатиш ва автомобиль ювиш шохобчалари ўрин олган тураргоҳлар халқ мушқулини янада осонлаштиради.

МАНЗАРА

## ЯНГИ ҒОЯ МУВАФФАҚИЯТИ УЗОҚ КУТТИРМАЯПТИ

Азиз Маллаев — ташаббускор тadbirkorларимиздан. Мана, уч йилдан буён миллий қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келяпти. Маҳалла унинг бизнес лойиҳасини қўллаб-қувватлаш мақсадида 100 миллион сўм имтиёзли кредит олишига ёрдам кўрсатди.



**Акбар ЧЎЛИЕВ,** Зарафшон шаҳридаги “Тинчлик” маҳалласи раиси.

Берилган маблағдан унумли фойдаланган Азиз фаолиятини янада кенгайтирди. Хозирги кунда 8 нафар фуқаронинг доимий бандлигини таъминлаб келяпти. Корхона маҳсулотлари Зарафшон шаҳридаги кўплаб дўконларга етказиб берилмоқда. Тadbirkor айни кунларда хорижий фирмаларга буюртма берилган янги ускуналарни интиқлик билан кутияпти. Улар орқали ишлаб чиқариш қўламини янада кенгайтиришни ниёт қилган.

Маҳалламиз шаҳар марказида жойлашгани учун ҳар қандай янги ғояни амалга ошириш ва муваффақиятга эришиш нисбатан осон. Шу боис янги иш бошлаган тadbirkorларнинг кўпчилиги ижобий натижаларни қўлга киритиб келмоқда. “Драйвери” миз ҳисобланган хизмат кўрсатиш йўналиши кундан-кунга аҳоли учун керакли барча йўналишларни қамраб оляпти.

Айни вақтда ҳудудимизда 8 103 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 80 фоиздан кўпроги Марказий кон бошқармасида меҳнат қилади. Ишчиларнинг асосий вазифаси қазиб келинган олтинни қайта ишлашдан иборат. Ходимларнинг маоши 5-6 миллион сўмни ташкил этади. Энг муҳими, барчаси доимий банд, рўзгорига барака кириб турибди.

“Еттилик” вакиллари доимий равишда халқни қўллаб-қувватлаб, керакли хизматларни кўрсатиб келяпти. Хусусан, йил бошидан буён “Аёллар дафтари”га киритилган 140 нафар аёлга “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳамда ҳомийлар кўмагида икки мартадан моддий ёрдам кўрсатилди. 5 нафар олий таълим муассасасида тахсил олаётган талабанинг шартнома пуллари тўлаб берилди. 3 нафар уюшмаган ёшнинг харбий хизматга жалб қилиб, тўловлари тўлиқ қопланди.

Айни вақтда маҳалламизни обод қўшага айлантириш учун қилишимиз керак бўлган юмушлар кўп. Биринчи навбатда, 36 та кўп қаватли уй олдидаги чиқиндиҳоналарни замонавий тарзда қайтадан қуришимиз керак. Контейнерларни янгилирига алмаштириш зарур.

Сўнги йилларда маҳалла тизимида амалга оширилаётган ислохотлар аста-секин ўз самарасини кўрсатаяпти. Лекин ҳали ечимини топмаган айрим масалалар ҳам мавжуд. Айтайлик, маҳалла раислари нодавлат нотижорат ташкилот ходими сифатида қайд этилгани боис қўшимча устамалар тўлаб берилмаяпти. “Еттилик”нинг бошқа барча вакиллари бу имкониятдан фойдаланаяпти. Шу каби муаммолар ижобий ҳал этиб берилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

ТАЖРИБА



2030 йил охирига қадар яқка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини банд қилганлар учун ягона рақамли платформага эга АЛОХИДА ХУҚУҚИЙ ТАРТИБ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ.



Ўзбекистон ва БАА ТАЛАБАЛАР ҲАМДА ШИФОКОРЛАР АЛМАШИНУВИНИ йўлга қўяди.



Энди “бешталиқ”даги олийгоҳларга киролмаган абитуриентда ОЛТИНЧИСINI ТАНЛАШ УЧУН ИМКОНИАТ ПАЙДО БЎЛАДИ.

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

НАТИЖА

# Соғлом муҳит учун ҳаммамиз бирдек масъул

Тинчлик ва хотиржамликда ўтган ҳар кунимиз байрам, деб бежизга айтишмайди. Бу гапнинг замирида олам-олам маъно мужассам. Инсон қачон олдига катта-катта мақсадлар қўяди? Қачон фарзандларнинг келажаги учун режалар тузади? Албатта, оиласи, маҳалласи ва юрти тинч бўлганда.



Автотранспорт воситалари билан юз бериши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида катта йўл четидаги пиёдалар юриши йўлаклари замон талаблари асосида таъмирланди.

Аброр ТУРОБОВ, Когон шаҳридаги “Арабхона” маҳалласи раиси.

Шу маънода маҳалламизда асосий эътиборни жиноятчиликни камайтиришга қаратганмиз. Агар кўрсаткичларга назар ташлайдиган бўлсак, ўтган йили ҳолат анча оғир эди. Олтига ўғрилиқ, битта оғир ва битта енгил тан жараҳати етказиш ҳамда битта безорилик содир этиш билан “қизил ҳудуд” сифатида қайд этилган эдик.

Маҳалламизнинг катта қисми кўп қаватли уйлardan иборат. Вактинчалик ижарада туриш учун келиб-кетувчилар ҳам анчагина. Бундай шароитда жиноятчиликни жиловлалаш бироз қийин кечиши аниқ. Лекин “еттилик” вакиллари билан жорий йил бошидан буён амалга ошириб келаётган тадбирларимиз ўзининг ижобий натижасини кўрсатди.

Биринчи навбатда, жиноят содир этишга мойиллиги бўлган 15 нафар фуқаронинг рўйхати шакллантирилди. Шундан, 35 нафари хотин-қиз, 18 нафари ёш, 15 нафари ижтимоий ҳимояга муҳтож шахс ҳамда 36 нафари ишсиз эди. Бу тоифалар билан ишлаш учун “еттилик” ходимларининг ҳар бирига алоҳида-алоҳида вазифалар юклатилди. Лекин уларнинг хонадонига бориб, муаммоларини ўрганиш жараёнида барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, ҳаракат қилдик. Сабоби, ашаш шароити оғир, боқувчисини йўқотган бир аёлни жиноятга қўл уришдан қайтариш учун фақатгина хотин-қизлар фаолининг маслаҳатлари қор келмайди. Муаммони тўлиқ бартараф этишда профилактика инспектори

хуқуқий тавсиялар бериши, ижтимоий ходим оиланинг аҳолини яхшилаш бўйича керакли хизматларни кўрсатиши зарур. Агар фуқаро ишсиз бўлса, ҳоким ёрдамчиси қизиқиш ва имкониятидан келиб чиққан ҳолда бандлигини таъминлаши керак. Кўриб турганингиздек, биргина инсонни жамиятнинг соғлом аъзосига айлантириш йўлида ҳамма бирдек масъул.

Фаолиятим давомида ҳар хил одамлар билан суҳбатлашиб, ўзимга керакли хулосалар чиқарман. Мени кўпроқ қинғир йўлни танлаб, ўзига жабр қилаётганлар тақдирини ўйлантиради. Аслида, ҳеч ким жиноятчи бўлиб дунёга келмаган. Турмушининг турфа синовлари, шароит ва атрофдагиларнинг таъсири баъзан кишини ўзи ўйламаган кўчаларга олиб қиради. Кимдир хатосини тезда англаб етади. Айримларнинг эса ортга қайтиши жуда қийин. Айниқса, спиртли ичимликка ружу қўйиб, ўзининг йўқотганлар бизнинг ёрдамимизга жуда муҳтож. Шундай фуқароларнинг 6 нафари махсус шиfoxоналарда даволаниб чиққач, мавсумий иш билан банд қилинди.

Маҳалламизни жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида “хавфсиз йўлак” ва “хавфсиз кўча” лойиҳаларини амалга оширишга киришганмиз. Олти ойлик натижаларга кўра, кўп қаватли уйлarning 30 та йўлагига кузатув камералари ҳамда махсус кодланган қулфлар ўрнатилди. 3 та кўчамизда эса тунги ёритиш чироклари ҳамда кузатув камералари ишлаб турибди.

Бу борада ҳали қилиши-миз керак бўлган юмушлар талайгина. Энг муҳими, биз ҳаракатдамыз, аҳоли вакиллари ҳам мақсадимизни тушунган ҳолда кўмакчимизга айланган.

МАНЗАРА

# Ўзгаришларни тушунтириб берадиган хуқуқшуносга эҳтиёж катта

Шаҳримиздаги Махтумқули номидаги маҳаллада истиқомат қилувчи Муштарийбегим Сафарованинг ёшлигидан пазандачиликка қизиқиши баланд. Фуқаро тинимсиз ўз устида ишлаб, тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар қадоқлаш цехини ташкил этишга эришди. Корхона ёнида кичик савдо шохобчасини ҳам очган.

Алимжон ЯНГИЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси Когон шаҳар бўлими бошлиғи.



Аёл дастлаб фаолиятини хонадонда бошлаган эди. Буюртма ва ишлаб чиқариш ҳажми ортгач, шаҳар марказидан тайёр бинони ижарага олишга тўғри келди. Айни вақтда у 5 нафар ишсиз хотин-қизнинг доимий бандлигини таъминлаб келяпти.

Фуқаро 100 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига керакли бўлган барча анжом ва техника воситаларини харид қилиб, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда. Халқимиз ҳам бундан жуда миннатдор. Шу каби ташаббускор инсонлар сабаб шаҳримизда ишсизлик ва камбағаллик кескин камаймоқда. Маҳаллаларда ҳақиқий эҳтиёжманд ва боқувчисини йўқотган оилаларни кўллаб-қувватлаш, ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, айниқса, ёшлар ва аёлларни ишга жойлаштириш ҳамда имтиёزلарни тўғри ва шаффоф етказиш бўйича “еттилик” ходимлари аҳолининг чинакам суянчи ва таянчига айланган.

Оғир тоифадаги “Темир-йўлчи”, “Бухорои Шариф” ҳамда Беруний номидаги маҳаллаларда камбағаллик ва ишсизликни

кескин камайтириш бўйича алоҳида режа ишлаб чиқилган. Жумладан, йил якунига қадар ҳудудларда 478 нафар аҳоли бандлиги таъминланса, шундан 180 нафари доимий ишга жойлаштирилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, 216 нафар ташаббускорни тадбиркорликка жалб қилиш жараёни қизгин паллада. Шу тариқа 174 нафар камбағал оила аъзосининг фаровон турмуш кечиришига шaroит яратиб берган бўламиз.

Беруний номидаги маҳаллада жорий йилнинг шу даврига қадар 62 нафар фуқарога

Маҳалла ходимлари, фаоллари ва кўча бошилари тарғиботи ёрдамида 2025 йилнинг баҳор ойида жами 20 минг 450 туп кўчат экилган.

кредит берилган бўлиб, уларнинг янги ғоялари кўллаб-қувватланган. Эътиборли жиҳати, бу лойиҳаларнинг барчаси томорқа ери, иссиқхона ҳўжалиғи, чорвани кўпайтириш, товук боқиш, новвойхона ва пишириқ цехларини очиш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, тикувчилик каби аҳолига маиший хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ташаббуслардир.

Бугун маҳаллалардаги ҳужжат ишларини электрон тарзда юритилаётгани, турли платформаларнинг ишга туширилиши ишимизни янада оsonлаштираётгани рост. Лекин айрим тушунмовчиликларнинг юзага келаётгани ҳам рад этиб бўлмайди. Хусусан, шу кунга қадар болалар нафақасини олиб келганларнинг турли сабаблар билан бу моддий ёрдам тўхтаб қўйилаётгани бўйича муурожаатлари жуда кўпайган. Бизнинг гапимиз қор қилмай, айримлари юқори ташкилотларга чиқяпти. Уларга бирор даромад манбаи юзага келгач ёки кам таъминланган оилалар рўйхатидан чиқарилгач, автоматик равишда бола пули бериш тўхтаб қолишини тушунтириб бўлмайпти. Шу каби масалаларга ечим топиш мақсадида маҳаллаларга хуқуқшунослар бриктирилишини истардим. Улар аҳоли вакилларининг барча саволларига муносиб тарзда жавоб бера олашига ишончим қомил.

ЖАРАЁН

# “ҲАР БИР ХОНАДОН ЮТУҒИДАН ЮТУҒИДАН КУВОНАМАН”

Ота учун ўғлининг эришган ютуғи қанчалик ғурур бахш этишини бугун фарзанд тарбиялаётган ҳар бир эркак яхши билади. Мен ҳам маҳалланинг етакчиси сифатида ёшларимизнинг ижобий натижаларидан ичимга сиғмай кетаман.

Насим НАЗАРОВ, Когон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маҳалла раиси.

Кунни кеча Таиландда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида икки навқирон йигитимиз ғолиблик шохсупасига кўтарилди. Спортнинг бокс тури билан мунтазам равишда шуғулланиб келаётган Жаҳонгир Зайниддинов ҳамда Самир Собировнинг ғалабаси маҳалладошларимизнинг қалбига чексиз ифтихор уйғотди.

Худудимизда ташкил этилган бокс тўғрага мураббийлик қилиб келаётган Азиз Шарипов, мана, бир неча йилдан буён чемпионларни етиштириб, юртимиз байроғини юксакларга кўтариб келмоқда. Спортчиларимиз Жаҳон ва Осиё чемпионатларида фаол иштирок этиб, ҳар сафар медаллар шодаси билан уйга қайтишди. Уларнинг бу натижалари улғайиб келаётган ёшлар учун ҳам илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.



Маҳалламиз “драйвери” хизмат кўрсатиш бўлишига қарамай, бугун ўз устида ишлаётган, изланувчан фуқаролар саъй-ҳаракати билан чорвачилик, паррандачилик ва мебелчилик йўналишлари ҳам жадал ривожланяпти. Хусусан, яқинда миграциядан қайтиб келган Улуғбек Ҳакимов берилган 33 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига 3 та қорамол сотиб олди. Бундан ташқари, отаси парваришлаб келаётган қўйлар сонини йил сайин ошиб борапти.

Бахтиёр Уриновга қизиқишидан келиб чиқиб иссиқхона қуришда ёрдам кўрсатдик. Гарчи 5 сотиқгина томорқаси бўлишига қарамай, фуқаро унинг ҳар бир қарчидан унумли фойдаланиш ҳаракатида. Ховли бурчагидаги кичик оғилхонада 6 та зотдор қорамол боқяпти. Бир тарафда эса помидор ва бодриллар фарқ ҳосилга кирган. Меваларни-ку, айтмаса ҳам бўлаверади.

Хуллас, маҳалламиз бугун бунёдкорлик ва яратувчанлик марказига айланган, десак янглиш бўлмайди. Ҳар бир хонадоннинг ўз ривожланиш режаси ва аниқ мақсадлари бор. Биз фақатгина уларни кўллаб турсак бўлгани...

ТАҚДИРЛАР

# Фаол ҳаётга ишончли қадам

Маҳалламизда яшовчи, 25 йил давомида ёшларга таълим бериб, уларнинг камолотига ҳисса қўшган ўқитувчи Дилафрўз Ибрагимова сўнгги йилларда хасталик билан курашиб келмоқда. Бир неча ой аввал юз берган нохуш ҳолат – йиқилиш ва оғир жароҳат туфайли у тўрт-беш ой ётиб қолган эди.

Жамшид АКРОМОВ, Когон шаҳридаги “Зиёкор” маҳалласи раиси.

Унинг аҳоли маҳалла ижтимоий ходими томонидан ўрганилиб, “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида тиббий-ижтимоий реабилитация хизматлари билан қамраб олинди.

Бугунги кунда малакали тиббиёт мутахассислари томонидан қатнов асосида реабилитация хизматлари кўрсатилмоқда. Бу нафақат тиббий



ёрдамни, балки психологик кўллаб-қувватлаш, ҳаракатланувчанликни тиклаш, кундалик ҳаётга қайтиш кўникмаларини шакллантиришнинг ҳам ўз ичига олади.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида Дилафрўз Ибрагимованинг соғлиғида ижобий ўзгаришлар сезилмоқда. Ўз вақтида кўрсатилган ёрдам туфайли у аста-секин ҳаракатлана бошлади, ҳаётга бўлган ишончи ортмоқда.

Ушбу хизматлар инсон саломатлигини тиклаш билан бир қаторда, уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш, руҳий ҳолатини мустаҳкамлаш ва ёлғизликни ҳис этмаслиғига кўмаклашиш нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хитойда ўтказилган кўп кунлик велопоёғларда терма жамоамиз аъзоси Никита Светков ЭНГ ЯХШИ ОСИЁЛИК ВЕЛОСПОРТЧИ номига лойиқ кўрилди.



Ўзбекистон U19 терма жамоаси бокс бўйича ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА БИРИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ.

Ўзбекистон U20 қизлар терма жамоаси Таиландда бўлиб ўтадиган ОСИЁ КУБОГИДА ИШТИРОК ЭТАДИ.



8

№65 | 2025 йил 13 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

Mahalla

## БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

Тарихан Соҳибқирон Амир Темуր ҳарбий жанг санъати устаси бўлган. У жангга узоқ тайёрлиниш орқали тез, шиддатли ҳужум уюштиришни афзал билган. Худди шундай, ҳар бир аскарнинг жисмоний тайёргарлиги, жанг олиб бориш имкониятларини ошириб борган.



Шерпўлат УСМОНОВ, Ўзбек жанг санъати бўйича мураббий.

**Ўзбек жанг санъати** — мамлакатимизда тарихан шаклланиган ана шундай қадриятлар, жанг услублари асосида ташкил топган спорт тури. Унинг замирида халқимизга хос мардлик, ватанпарварлик мужассам. У ёшларни жисмонан чиниктириш билан бирга, уларда камтарлик, ҳалоллик, сабр-тоқат каби фазилатларни шакллантиради.

Ўзбек жанг санъати билан олти ёшдан бошлаб шуғулланиш мумкин. Дастлаб бош-

ланғич кўникмалар ҳосил қилиш учун соғломлаштириш машғулоти ўтилади. Кейин жанг санъати пухта ўргатилади. Болалар мусобақаларга босқичма-босқич тайёрлаб борилади. Машғулотлар жараёнида спортчиларнинг маънавий юксалишига катта эътибор қаратилади. Сабаби, спортчининг иродаси мустаҳкамлашида маънавий юксалиш муҳим ўрин тутди.

**Маълумот учун,** 2009 йил декабрь ойида Ўзбекистон миллий спорт тури мақоми берилди. Болалар ва ўсмирлар яққалик ва жамоавий тарзда 2 дақиқадан иборат 2 турда баҳсларда қатнашади, тур ўртасида 1 дақиқа танф-

# ЎЗБЕКНИНГ ЖАНГОВАР САНЪАТИ — ФУРУРИДИР



фус берилади. Катталар ўртасида баҳслар 3 дақиқа давом этади.

Мазкур спорт турининг бир қатор ўзига хос хусусиятлари бор. Жумладан, спортчилар ўзбек миллий либосларида қатнашади, жанг қоидалари ўзбек тилида янграйди. Ҳимоя ва ҳужум усулларида бир вақтнинг ўзида фойдаланиш мумкин. Умуман олганда, у ўзбек халқи ва бошқа миллатлар жанг санъатининг энг самарали жанговар тизимлари ва аъёнларини ўзида мужассам этган.

Ўзбек жанг санъати спорт-соғломлаштирувчи (40 ёшдан катталар учун), қўл санъати (3 000 дан ортқ қўл

ҳаракатлари), Темурийлар жанг санъати (пичоқ, қилч, таёқ, найза билан ишлаш), жанг-кураш (кураш) турларини ўз ичига олади. Унинг техникаси бир неча минг қўл, оёқ зарбалари, отишлар, буюмлардан (қилч, пичоқ, таёқ, узун таёқ) иборат. Бу спорт тури ёшларни ватанпарварлик руҳида

СПОРТ

тарбиялашга ёрдам беради. Буюқ аждодларимиз ва Ўзбекистоннинг тарихий шахслари исмлари расман ҳимоя, ҳужум ҳамда мажмуаларга қўйилган. Мусобақа давомида, албатта, мамлакатимизнинг давлат рамзлари-га катта эътибор берилади. Спортчиларнинг кийимида миллий қадриятлар акс эттирилган.

Ҳозирда мамлакатимизда мазкур спорт тури билан 1 миллиондан зиёд ёшлар шуғулланипти. Маҳаллаларда, мактабларда ўзбек жанг санъати бўйича тўғараклар фаолияти йўлга қўйилган. Ватанпарварлик руҳини ўзида жо этган бу спорт тури йигит-қизларни жисмонан турмуш тарзига жалб этишда муҳим аҳамият касб этади.

### БИЛИБ ОЛИНГ!

Ушбу пирамида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан соғлом овқатланишнинг негизи сифатида тавсия этилган.



Нигора ЖУМАЕВА, валеолог.

Пирамиданинг асосини жисмоний ҳаракатлар даражаси ва вазн назорати ташкил этса, кейинги босқичи ҳўл мева ва сабзавотлар, бошоқлилар, дуккаклилар, картошка, ёрма, гуруч ҳамда нон маҳсулотларини ўз ичига олади. Ундан кейинги босқичлари эса гўшт, балиқ, товуқ, пишлоқ, сўт маҳсулотлари, сариеъ, тухум кабиларни ташкил этиб, сўнгги босқич, яъни пирамида чўкқиси қандолат маҳсулотлари, шакар, туз ва ёғлар билан яқунланади.

Овқатни куннинг маълум вақтида истеъмол қилиш, бу — шартли рефлекслар ҳосил бўлишига имкон яратади ҳамда ўз навбатида танани овқат қабул қилишга тайёрлайди. Нонушта ва тушлик, кечки овқатлар ораллиғидаги вақт 5-6 соатни ташкил этиши, мабодо уйқудан олдин овқатланиш иштиёқи бўлса, камиди 2-3 соат олдин таом қабул қилиш керак.

Кунда 4 мартаба овқатланишда унинг тахминан 25 фоизи биринчи нуноштага, 15 фоизи иккинчи нуноштага, 35 фоизи тушликка, 25 фоизи кечки овқатга тўри келиши лозим.

Сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқларда “қўл ҳаракати билан даволовчи табиб” ҳақидаги видеолар кенг тарқалди. Уларда “табиб” деб аталаётган эркак беморларнинг танаси атрофида турли қўл ҳаракатларини ба-жараётгани ва уларни тузатиб юбораётгани акс этган...

Рўзимухаммад ХОННАЗАРОВ, Халқ таботати ассоциацияси раиси.

Инсон ҳаёти давомида турли касалликларга дучор бўлади. Касалликдан фориг бўлиш йўлини излар экан, бемор даволашнинг турли усуллари, жумладан, замонавий тиббиётга, халқ таботати усуллари ва илохий шифога мурожаат қилади. Замонавий тиббиёт илмий асосланган ва клиник амалиётда ўз тасдиғини топган натижаларга, халқ таботати узоқ йиллик кузатув, синов ва тажриба натижаларига таянади. Илохий шифонинг асосини эса ишонч ва эътиқод ташкил этади.

Бироқ кейинги пайтларда тегишли ҳуқуққа эга бўлмастан, руҳсат этилмаган усуллари қўлланган ҳолда касалликларга ташхис қўйиш, уларни даволаш билан шуғулланаётган ҳамда бу орқали инсонлар соғлиғи ва ҳаётига жиддий хавф туғдираётган сохта табиблар сони

### САЛОМАТЛИК

## ТАБИБ СОХТАМИ ЁКИ ОДАМЛАР СОДДА?..



кўпайиб борапти. Энг ёмони, хасталиклардан тез, осон, асоратсиз, муҳими, табиий усул билан ва уй шароитида халос бўлишни истаган юрдошларимиз “ғайритабиий қобилиятларга эга”лигини иддао қилаётган, турли йўллар орқали одамлар ишончига кириб, ҳеч қандай тасдиқланмаган ҳамда тегишли синовлардан ўтмаган “хизмат”ларни таклиф этаётган бундай кимсаларга алданиб қолмоқда.

Ижтимоий тармоқлар бу каби шубҳали хизматларни кенг тарғиб қилувчи платформага айланиб бораётгани, уларнинг асосий аудиторияси ҳам, мижозлари ҳам оғир ҳаётий аҳволга тушиб қолган фуқаролар бўлаётгани афсусланарлиқ.

Маълумот учун, халқ таботати соҳасида ишлаш ҳуқуқи йўқ шахслар томонидан ташхис қўйиш ва даволаш хизматларини кўрсатганлик

учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Бундан ташқари, халқ таботатида руҳсат этилмаган усуллардан фойдаланган ҳолда бундай хизматларни реклама қилиш тақиқланди.

Аслида, халқ таботати табиий гиёҳлар, ҳайвон маҳсулотлари, маъданлар ёрдамида турли касалликларни даволашдан иборат амалий фаолиятдир. Шу билан бирга, халқимиз орасида азалдан силовчилар, кинначилар, дуохонлар мавжуд бўлиб, улар қўл бериш йўли билан ўз иқтидорларини халқ хизматиға йўналтиради. Бу инсонлар ўзларини “ғайриоддий” инсон эканини бот-бот таъкидлаб, ўзларини ижтимоий тармоқлар орқали машҳур қилишга ҳаракат қилади. Аникроқ қилиб айтадиган бўлсак, мижоз қидиради. Бундай ҳолатларнинг

юзага келишига асосий сабаб, аввало, одамларнинг тиббий билим ва маданияти етарли даражада эмаслиги ҳисобланади. Шунингдек, тиббий хизматлардан шифо топмаётган беморлар мўъжиза истаб, тўғри сохта табибларнинг тузоғига боради. Бизда ҳам аҳолининг тиббий маданияти ва кўрсатилмаётган тиббий хизматлар сифати ошса, айрим қўштирноқ ичидаги табибларга бўлган оммавий қизиқиш ўз-ўзидан барҳам топади. Кимдир қўл билан даволайман, деса, унга савол беришни билишди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳам айна ҳолат юзасидан қатъий огоҳлантириш билан чиқди. Ижтимоий тармоқларда сохта табиблик билан шуғулланиб, ўзини реклама қилаётган ҳолатлар ва қўлланилаётган муолажа усуллари далилларга асосланган тиббиётнинг даволаш услубларига кирмаслиги, бундай сохта усуллар белгиланган диагностика ва даволаш миллий клиник протоколлари ҳамда стандартларига мувофиқ эмаслиги қайд этилди.

Қолаверса, юқоридаги муолажалар билан шуғулланаётган шахсларга Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан фаолият юритишлари учун ҳеч қандай лицензия берилмаган.

Шундай экан, ижтимоий тармоқлардаги сохта табиблардан огоҳ бўлинг!

Ўзингиз, оила аъзоларингиз ва яқинларингиз саломатлигини хавф остига қўйманг!

### ХИДОЯТ ЁҒДУСИ

Ўлмасбек МУНАВВАРОВ. Тўрткўн тумани: — Кўпича жамоат транспортдан фойдаланаман. Ҳозир автобуслар махсус қурилма билан жиҳозланган, унга пластик картани теккизиб, йўл ҳақини тўлаш мумкин. Бироқ амалиётда айримлар картани тўлов ускунасига туттади, лекин пул ечиммайди. Ё картаси ишламайди ёки пули йўқ. Шу ҳолатда кира ҳақини тўламай, тушиб кетаверишади. Шу иш жоизми?

### ЙЎЛ ҲАҚИНИ ТЎЛАМАСЛИК ГУНОҲМИ?

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Йўқ, бу иш жоиз эмас. Чунки бу ҳақдорга ҳақини бермаслик ва ўзгалар ҳақини ноҳақ ейтишдир. Аллоҳ таоло ўз каломида бизларни огоҳлантириб, шундай деган: “Мол (ва бой-ликларингизни) ўрталарингизда ботил (йўллар) билан емангиз!” (Бақара сураси, 188-оят).

Шунинг учун болани ёшлиқдан бировнинг ҳақидан ҳазар қилишга ўргатиш лозим. “Арзиманган пул-ку”, дейиш гуноҳни кичик санашдир. Бунинг устига ўзганинг ҳақининг катта ё кичиги бўлмайди. Ҳақ эгаси кечмагунча, Аллоҳ таоло ҳам бундай гуноҳни кечирмайди.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ  
Дизайнер: Абдулазиз Аҳмедов  
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.  
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.  
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюқ Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 8 490 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-820

ISSN 2610-7033